

ТОШКЕНТ ОҚШОММИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (11.415)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Мамлакатимизнинг бош шаҳри азим Тошкент ўзининг 2200 йиллигини нишонламоқда

Ўзбекистон Фанлар академияси, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилган мазкур халқаро анжумани мамлакатимиз Президентининг «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарорига асосан уюштириб келинаётган кўплаб тадбирларнинг ўзига хос дастлабки сарҳисоби деса бўлади.



ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ ТОШКЕНТ – 2200 ЁШДА ШАҲРИМИЗДА ИККИ КУН ДАВОМИДА УШБУ МАВЗУДА ХАЛҚАРО ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ.

Маълумки, ЮНЕСКО Бош Конференциянинг 34-сессиясида азим шаҳримизнинг 2200 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Бугунги кунда Германия, Италия, Хитой, АКШ — унлаб давлатларда кенг жамоатчилик иштирокида Тошкент шаҳрининг дунё ҳамжамиятида тутган ўрнига бағишланган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Яқинда ЮНЕСКОнинг бош қароргоҳида ҳам Марказий Осиёнинг дурдона шаҳарлари қаторидан ўрин олган ўтмиши бебаҳо, бугунги кун ва келажак серқирра Тошкентнинг юбилейига атаб илмий анжуман бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, Тошкент нафақат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий маркази, балки халқаро майдонда Марказий Осиё минтақасининг энг қадимий ва замонавий шаҳарсозлик анъаналарини ўзида мужассам этган йirik санъат, савдо-сотиқ, илм-фан маркази сифатида ҳам унинг дорувури баланд. Азим шаҳримиз кўплаб халқаро анжуманлар ўтказиб келинадиган пойтахт сифатида ҳам донг таратган. Жаҳон маънавий-маърифий фаолиятига беқиёс яратувчанлик ҳиссасини кўшган шаҳар дея эътироф этилаётди. 2007 йилда АЙСЕКО қарори билан Тошкент Исло маданияти маркази деб эълон қилинган эди. Нуфузли халқаро ташкилотнинг бундай юксак баҳоси — давлатимиз раҳбари томонидан миллий меросимизни, маданий қадриятларимизни, жумладан, ислом цивилизацияси обидаларини асраб-авайлаб келажак авлодларга етказиш бобида олиб борилган оқилона сиёсатнинг яққол

исботидир. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Қосимов ушбу йўналишда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатларга ургу берар экан, барча жаҳаларни қамраб олган ислохотлар — Истиқлол нозматлари авваломбор ўзбек халқининг ўзининг ҳақиқий тарихи, том маънода буюк маънавий меросини англашга имкон очиб бергани билан алоҳида қадриятли эканлигини таъкидлаб ўтди.

Мустақиллик шарофати билан шаҳар тарихида янги саҳифалар очилди. Пойтахтнинг ташқи кўриниши тубдан ўзгариб бораётди. Бу борада бевосита Юртбошимиз раҳнамолиги остида буюк келажак сари одимлаб бораётган давлатнинг бош шаҳри ривожланишининг махсус концепцияси ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда изчил амалга ошириб келинмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги Тошкент юртимизда рўй бераётган ўзгаришларнинг яққол кўзгусидир. Тарихий обидалар тикланиши қаторида пойтахтимизда ўнлаб замонавий, юксак меъморий ечимга эга бинолар қўқка буй ўзаётганини кузатишимиз мумкин. Шу билан бирга Тошкент мисолида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграллашиб бораётганини англаш қийин эмас. Пойтахтимизда, таъкидлаб ўтилганидек, кўплаб сиёсий, маданий форумлар ўтказиб келинмоқда. Турли давлатлар билан илм-фан йўналишида тажрибалар алмашинуви йўлга қўйилган. Тошкентда Россия, Сингапур, Буюк Британия мамлакатларининг нуфузли олий ўқув юрталарининг филиаллари фаолият юритмоқда. Яқин орада эса бу

қатордан Италиянинг Турин политехника институти ҳам ўрин олади.

Тошкент шаҳар ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев конференция иштирокчилари ва меҳмонларини қутлаб, ўз навбатида, мамлакатимиз бош шаҳри юбилей доирасида амалга оширилаётган қурилиш-ободонлаштириш ишлари билан қисқача таништириб ўтди. Қисқа вақт ичда пойтахтда қатор йirik объектлар фойдаланишга топширилди. Жумладан, Мустақиллик майдони мутлақо янги қиёфага эга бўлди. «Қатагон қурбонларини ёд этиш» музейининг иккинчи навбати, Тошкент Ислам университетининг янги ўқув биноси, Ешлар ижод саройи барпо этилди, «Пахтакор» стадиони тўлиқ реконструкция қилинди. Жадаллик билан қурилаётган «Ўзбекистон» анжуманлар саройи ҳам азим шаҳримиз юбилейига муносиб туҳфа бўлади.

Пойтахтимиз 2200 йиллик тарихга эга. Аммо келажакда у қандай шаҳар бўлади, деган савол кўпчиликини қизиқтириши табиий. Бу борада давлатимиз раҳбарининг қўйидаги фикрларини таъкидлаб ўтмоқ даркор: «Қадрдон шаҳримиз жаҳонда бетакрор ва энг ўзал пойтахт бўлиши керак. Ҳамма ундан ҳайратлансин... Азим шаҳримизнинг қурилишида 50 йиллик келажакка қараб иш кўришимиз керакдир...» Бу сўзларнинг чуқур маъносини англаш қийин эмас.

Албатта, келажакда ҳам Тошкент энг ўзал, кўпчиликини мафун этадиган дўстлик, тинчлик ва тараққий этган шаҳар бўлиб қолаверад.

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти Шавкат Солиҳов халқаро илмий кон-

ференциянинг мақсади хусусида тўхталиб, яна бир бор халқаро ҳамжамият эътиборини 2200 йиллик юбилейини нишонлаётган Тошкент шаҳри қадимий тарихининг илмий асосларига қаратиш, шу билан бирга шаҳарсозликда, меъморчиликда, маданият ва илм бобида янги-янги қирраларни намойиш этишга ҳам туртки бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Қўйида «Ўзбекистон пойтахти Тошкент — 2200 ёшда» халқаро илмий конференцияси иштирокчилари ва меҳмонларининг фикр-мулоҳазалари, дил сўзлари билан танишасиз.

Хорхе ЭСПИНАЛ,
ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги вакили:
— Ўзбекистон — бетакрор анъаналарга бой мамлакат. Унинг пойтахти Тошкентни бугун билмаган, танимаган давлат йўқ деса муболага бўлмайди. Қадимийлик ва замонавийликни ўзида мужассам этган бу шаҳар Самарқанд, Бухоро, Хива дурдоналари каби дунё ҳамжамияти учун ҳам қадридли. Эраимиздан аввалги учинчи-иккинчи асрларда турли номлар билан аталиб ташкил топган Тошкентнинг тарихи жаҳон олимлари, тадқиқотчиларининг эътиборини жалб этмоқда.

2007 йилда Тошкентнинг АЙСЕКО томонидан Исло маданияти пойтахти деб эълон қилинганининг ўзи — бу шаҳарнинг бой тарихга эга эканлигиндан, ушбу кутлуг заминдан илм-фан намояндалари етишиб чиққани, уларнинг кашфиётлари бутун инсоният ривожига катта ҳисса қўшганидан далолат беради.

(Давоми 2-бетда).

ЖАҲОНДА

● Санкт-Петербургда бугун шаҳар куни байрами нишонланди. Шу муносабат билан шаҳарда Президент кутубхонаси очилди, кўплаб фестиваллар, танловлар ва спорт мусобақалари ўтказилмоқда.

● Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти жаҳоннинг 46 та мамлакатиде А/Н1 N1 вируси хасталигига қалинган кишилар сони 13 мингга яқинлашганини маълум қилди.

● Шу кунларда Дания пойтахти Копенгагенда иқлим ўзгаришларига бағишланган бизнес-форум бўлиб ўтмоқда. Унда дунёнинг 800 дан зиёд йirik корхоналари раҳбарлари қатнашмоқда. Анжуманда сўзга чиққан БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози авж олган айти пайтда иқлим ўзгаришларига қарши ҳамжиҳатликда курашиш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

● Япон денгизи атрофида Шимолий Корея яқин масофага ҳаракатланувчи яна бир ракета яни соновдан ўтказди. Бу жаҳон ҳамжамияти томонидан кескин норозиликларга сабаб бўлмоқда.

● Кеча кучли бўрон Бельгия, Франция ва Германия мамлакатларига катта зарар келтирди. Ушбу мамлакатларда электр уза тиш тармоқлари издан чикди, кучли сув тошқинлари юз берди.

● Бугун Францияда ўзининг уч ёшли қизини ўғирлашда айбланаётган Россия фуқароси Ирина Бельенко устидан суд ҳукми чиқарилиши кутилмоқда.

● Кеча ўтказилган савдоларда жаҳоннинг етакчи биржаларида нефть нархининг бирмунча ошганлиги кузатилди.

● Кеча Грузия пойтахти Тбилисида мухолифат томонидан яна норозилик намойиши ўтказилди. Намойишчилар мамлакат президенти Михаил Саакашвилининг истеъфого чиқилиши талаб қилмоқдалар.

● Мексикада нарккомафия билан алоқадорликда гумон қилинган ҳолда 10 та шаҳарнинг мэри хибсга олинди.

● Хитойнинг «PetroChina» нефть компанияси дунёдаги энг қиммат компания сифатида ном қозонди. Шанхай биржасида унинг акциялари нархи уч фоизга кўтарилди, 336 миллиард АҚШ долларига етган.

Кечаги ва бугунги Тошкент ИСТИҚЛОЛДАН НУР ОЛГАН ШАҲАР

КЕЧА Ўзбекистон Бадий академияси Фотосуратлар уйда шаҳар ҳокимлиги ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб «Кечаги ва бугунги Тошкент» мавзусида фотокўргазма ташкил этилди.



Кўргазманинг очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдураҳимова, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Кўзиев сўзга чиқиб мустақиллик йилларида Президентимиз

раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, айниқса пойтахтимизда мухташам бинолар, замонавий турар жойлар, янги йўллар, кўприклар, хиёбон ва майдонлар, маданият ва

санъат масканлари, ўқув юрталари бунёд этилаётганини қайд этишиб, шу жумладан шаҳримизнинг 2200 йиллиги олдидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлашди.
(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ МАТБУОТ ХИЗМАТИНИНГ ХАБАРИ

2009 йил 25 майдан 26 майга ўтар кечаси 2-3 нафар қуролланган босқинчидан иборат гуруҳ Андижон вилояти Хонобод шаҳрига кираверишда жойлашган милиция блок-постига портловчи моламалардан фойдаланган ҳолда ҳужум қилган.

Отишма пайтида бир нафар милиция ходими ва босқинчилардан бири яраланган.

Босқинчилар берилган зарба натижасида тун қоронғисида яширинишга улгурган.

26 май куни соат 13.45-14.00 да Андижон шаҳрининг Фитрат кўчасида номаълум

киши ўзини-ўзи портлатиб юборган ва бунинг оқибатида бир нафар милиция ходими ҳалок бўлган, бир неча фуқаро жароҳатланган.

Дастлабки маълумотларга кўра, босқинчилар гуруҳи Андижон вилояти хуудуига қўшни Қирғизистондан кириб келган.

Айни пайтда Андижонда мамлакатимизнинг барча ҳарбийлашган тузилмалари вакилларида иборат тезкор штаб ташкил этилган ва иш олиб бормоқда. Тезкор-қидирув ишлари ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАМЗИ
2200
 2009
ТОШКЕНТ
 Шахримизнинг 2200 йиллик тўйи муносабати билан ўтказилаётган барча тадбирлар, танловлар ва давра суҳбатларида пойтахтимиз тарихи, бугуни, миллий анъана ва урф-одатлари, истиқлол шарафати боис қўлга киритаётган ютуқларининг сарҳисоби, олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, тараққиёт ва равангага оид барча эзуликка йўғрилган ишлари бутун бўй-баста ва кўркем жамоли билан кўрсатиб берилмоқда.

КУТУБХОНАДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Ўзбекистон Фанлар академияси Асосий кутубхонасининг марказий кўрғазмалар залида бўлиб ўтган «Тошкентим жамолиндан айланай сенинг» мавзудаги тадбир ҳам фикримизнинг ёрқин мисолидир.

— 2200 йиллик тарихга эга бўлган пойтахтимизнинг муқаддас тўйини нишонлаш учун кенг қўламдаги сайёҳаракатлар қилинмоқда, — дейди Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси директори Шарофиддин Нуриддинов. — Дунёда кўплаб гўзал, мафтункор шаҳарлар мавжуд. Аммо, Тошкент шаҳри дунё нугоҳида ҳам ўзига хос нуфуз ва обрўга эга бўлиб бормоқда. Унинг кўп асрлик тарихи негизда шундай бир маънавий бой дунё мавжудки, ҳар бир йили асрга татигулик. Айниқса, истиқлол эпкинларида шахримиз янада чирой очди, гуллаб-яшнади. Улкан осмонлар биноларнинг бунёд бўлиши, маҳобатли кўприкларнинг қурилиши, боғларнинг файзли ва тароватли гавжум гушаларга айланиши, йўлларнинг қайта таъмирланиши, чет мамлакатлар билан ҳамкорлик алоқаларининг йўлга қўйилиши замирида ҳам фақат биргина мақсад — она юртимизнинг янада тараққий этиши, тинчлиги ва фаровонлиги, халқимизнинг осойишта ва осуда ҳаёт кечириши ва ёшларимизнинг бахтли баркамол келажаги қамраб олинган. Бугунги тадбир ҳам, Асосий кутубхонасининг кўп йиллик фаолияти давомида ўзига хос ўринга эга бўлиб, барча иштирокчиларнинг ва ходимларимизнинг қалбидан муносиб жой эгаллайди, деган умиддаки. Тадбиримизда малакали мутахассис ходимларимиз ва ёш кадрларимиз ҳамкорликда расомларимиз томонидан тасвирланган, «Тошкентим онам» мавзудаги кўрғазмани ҳам ташкил қилдилар. Унда шахримизнинг энг гўзал масканлари, кўркем иншоотлари, кўна обидалари, илгор ёшлари, меҳнатқаш халқи тасвирланган сунатлар барчага диққатини ўзига жалб қилади деган умиддаки. Тадбирни ўтказишда асосий мақсадимиз эса, нафақат пойтахтимизнинг муқаддас санасини нишонлаш, балки шахримизни янада улуғлаш, қадрлаш ва эъзозлашга чакришдан иборатдир.

Даржамакт, маъруз тадбир ҳар томонлама ранг-баранглиги, кутубхона ҳаётининг шахримиз тарихи ва бугунига боғлиқ ҳаётларининг уйғунлигида амалга оширилган маънавий-маърифий ишлари юзасидан ҳисоботлари билан мароқли кечди.

Шунингдек, Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институти профессор-ўқитувчиларининг «Тошкент — гуллар шаҳри», «Пойтахтим нугоҳида нури манзиллар», «Шахрим — фохрим» мавзудаги илмий, тарихий манбаларга асосланган чиқишлари ййилганларда катта таассурот қолдирди.

Гулчехра ДУРДИЕВА



ГОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Шахримиздаги муҳташам «Пойтахт Наврўз таом савдо» давлат унитар корхонасида уч кун давомида қадимий ва ҳамisha навқирон Тошкентимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Тўй либослари» ва «Тўй дастурхони» шоу кўрик-танлови ниҳоясига етди.

Маъмур қизиқарли ва кўплаб томошабинларни ўзига жалб этган тадбирда пойтахтимизда фаолият кўрсатган тўй либослари салонлари, тантаналарни ташкил этиш ташкилотлари, унутилмас кунларни эсдалик лавҳаларида муҳрловчи видео ва фото студиялар ҳамда ресторан, тўйхоналар, уларнинг моҳир пазандалари қатнашиб, бор маҳоратларини намойиш этишди.

Таъкидлаб ўтганимиздек, «СВАДЬБА Plus.UZ» — «Тўй либослари» шоу кўрик-танлови иштирокчилари Гран при ва 3 та асосий, битта қўшимча номинация голиблигини кўлга киритиш учун ўзаро беллашишди, бугунги кунда эришаётган ютуқлари, изланишларини томошабин ва ҳайъат аъзоларига кўрсатишди.

Тўй либослари салонларининг ҳар бир намоийши ййилганлар томонидан олқишлар билан қарши олинди. Айниқса, танлов якунида голиблар эълон қилинганда гулдурас қарсақлар, табриқлар кўнгилларино шод этди. Ҳайъат аъзолари хулосасига кўра «Йил тўй либоси» голиби деб «НУПТИАЛЬ/DIADEMA» салони топилди ва улар Гран прини кўлга киритишди. «ЛИЛИАНА РУФИД» салониго омад қилиб боқди. Улар бир йўлга икки йўналиш, яъни «Миллий тўй либослари» ва «Кўл меҳнати маҳорати» номинациялари голиби бўлишди. «Нанъанавий тўй либослари» номинацияси голиблигини «FLORANS» салони кўлга киритган бўлса, «Томошабин кўнгилидаги тўй либоси» деб ном-

ланган қўшимча номинация голиблигига «ЕВРАЗИЯ» салони эришди.

«Тўй дастурхони» кўрик-танловида эса 25 дан зиёд ресторан ва тўйхоналар ходимлари маҳорат кўрсатишди. Дастурхонни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда қўйилмақом қилиб беазаган «Фаровон» ресторани танлов голиблигига муносиб топилди. «Пойтахт Наврўз таом савдо» ДУК ва «Эльзар» ресторани 2-ўрин соҳиби бўлишди. 3-ўрин эса «Радиссон», «Издидёр» ва «Мажор» ресторани ва тўйхоналарига насиб этди.


Шунинг баробарида танловда моҳир пазандалар таом тайёрлаш, уни дастурхонга чиройли тортиш маҳоратларини ҳам кўрсатишди. «Энг ширин торт» деб номланган қандолат-паазлар танлови ҳам барчага манзур бўлди. Унда 7 та корхона иштирок этди. «SNOX» ресторани қандолатчиси Гулнара Пулатова маъмур танловнинг голиблигини кўлга киритди. «Энг яхши сервис хизмати кўрсатувчи официант» номинацияси голиблиги «Пойтахт Наврўз таом савдо» ДУК официанти Татьяна Рублёвскаяга насиб этди. Карнай-сурнай садолари остида миллий қадриятларимизни эъзозлаб, келин-куёвларни кўтиб олай, уларга ажойиб дастурхонни тортиқ этган «Голден-Хил» ресторани «Миллий руҳдаги тўй дастурхони» деб номланган қўшимча номинация голиблигига сазовор бўлди.

— Маъмур кўрик-танлов тўй тантаналари, байрам шодияларини файли дастурхон атрофида кўнгили

ўтказишни ташкил этишда, сервис хизмати сифатини оширишда, пазандаларимиз касб маҳоратини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этди, — дейди «Пойтахт Наврўз таом савдо» Давлат унитар корхонаси директори Талъат Акбаров. — Жамоамиз аҳли ҳам тадбирда фаол иштирок этиб, фахрли ўринни эгаллади. Асосий мақсадимиз эса миллий қадриятларимиз асосида шарқона урф-одатларимизни сақлаган ҳолда тўй, тантана, байрам шодияларини ва маросимларини чиройли ўтказиш, ййилганлар кайфиятини кўтариш, чиройли ва файзли дастурхонларимизни тақдим этиб, намунали хизмат кўрсатишдир. Албатта, бу борада соҳа ривожини унган замонавий илгор технологиялардан, янгича услублардан самарали фойдаланамиз.

Шоу кўрик-танлов якунида голиблар муносиб тақдирланишди. Уларга дипломи, қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилиб, муваффақиятлари алоҳида қайд этилди. Тадбир барча ййилганларда ажойиб таассурот қолдирди. Айниқса, айни пайтда тўй таловининг кўраётган ёшларимизга маъмур танлов қўлайлик ва имконият яратди, десак, «асло» муболага бўлмайди.

Шарифа ИЛЁСОВА
 СУРАТЛАРДА: тўй либослари ва файзли дастурхон, юксак дизайндаги байрам тортлари барчага манзур бўлди.
 Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ҲИКМАТЛАР

• Яхшилик қилган одамнинг миннат билан камситишга уринма.
 Хусайн воиз Кошифий айтади:
 — Гўзал феъл-атворнинг нишонаси ўн нарсадир: биринчи нишонаси яхшилик, иккинчиси инсофли бўлиш, учинчиси бошқа одамдан айб қидирмаслик. Тўртинчиси бирор кишида ноҳўя ҳаракат кўрса уни яхши йўлга бошлаш, бешинчиси бир одам ўз айбига иқдор бўлиб уэр этса, узрини қабул қилиш, олтинчиси бошқалар учун машаққатни ўз устига олиш. Еттинчиси ўз манфаатининг кўзламаслик, саккизинчиси очик юзли, ширин сўзли бўлиш, тўққизинчиси муҳтожларнинг ҳолатини чиқариш, ўнинчи нишонаси мулоим ва тавозели бўлишдир.

Байт:
 Ҳаётда сен курашсанг фойда ё зиён учун,
 Ўйламагил ўзингни, дегил: «Бу ҳаҳон

учун».
 Жонингни фидо қилиб, ёрит ўзгалар уйин,
 Шунда инсон бўласан, яшайсан инсон учун.
 Бир донишманд айтади:
 Ўғлим, гўзал ахлоқ эгаси бўл, яхшилик қил,
 ярамас бузуқ йўлга асло яқинлашма, гўзал ахлоқинг билан ҳамманинг муҳаббатини ўзинга жалб қил. Хотин ва фарзандларингга меҳрибон бўл. Дўстларингга лутф-эҳсон кўрсат. Шу васиятларингга амал қилсанг ҳаётинг хушвақтлик билан кечад.

Азиз ибн Муҳаммад Насафий айтади:
 — Одамнинг ташқи қиёфасига эмас, ички дунёсига эътибор бериш керак. Агар одамнинг ташқи қиёфаси ҳам, ички дунёси ҳам гўзал бўлса яна ҳам яхшироқдир. Ақлли, доно одам ҳаммини кўра билади. Яхшиларнинг фикрларини, кўрсатмаларини жону дили билан қабул қилади. Шунга кўра унинг қилган ишлари бекорга кетмайди, яхши натижалар ҳосил қилади. У одам мурод-мақсадига етади.

Байт:
 Яхшилардан кўрасан, меҳр-вафо,
 Сенга етказмагил мунофиқ кўп жафо.
 • Яхши кишилар етуқлик ва юксак ахлоқий обрў билан ажралиб турадилар.
 • Аввало яхши ахлоқни, кейин донишмандликни ўрган. Чунки ахлоқли бўлмай туриб, донишманд бўлиш амри маҳол.
 • Киши агар фақат ўз-ўзи билан яшага мажбур бўлса ва фақат ўзи ҳақида ўйласа, у беҳад азоб чекиши муқаррар.
 • Ердаги жамики гўзал нарсалар — офтобдан ва барча яхши нарсалар — инсондан.

Байт:
 Мен инсонман деган улуг фикрла,
 Ҳамиша кўксимни тугаман баянд.
 • Яхши одамнинг яхшироғини ажрата олиш ҳунар эмас,
 Аммо икки ёмоннинг дурустроғини ажрата олиш ҳунардир.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Тошкент оқшом» газетасининг 2009 йил 11 мартдаги 49 (11.360)-сон ва 2009 йил 20 апрелдаги 78 (11.389) -сонларида адвокатлик фаолияти билан шуғулланмаётган адвокатларнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларининг амал қилиши тугатилганлиги ҳақидаги рўйхатда кўрсатилган

Шомирзаев Г. — TN 000065 — 01.06.1997 йил
 Усманов Исакул — TN 001036 — 10.06.1999 йил
 лицензияларининг амал қилиши тугатилганлиги ҳақидаги эълон

БЕКOR ҚИЛИНАДИ

МУРОҲААТ УЧУН
 Тошкент шаҳар Адлия бошқармасининг телефонлари: (8-371) 269-14-43, 269-14-45

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 30 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидагилар қўйилмоқда:

Тошкент шаҳар Чилонзор туман суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ «Қашқадарё вилоят судининг 06.02.2009 йилдаги № 2-70-сонли ижро варақасига асосан хатланган, майдони 65,06 кв.м. 3 хонадан иборат бўлган, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 14-уйда жойлашган 37- хонадон қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 24 597 957 сўм.

Шунингдек 2009 йил 16 июнь кунини соат 11.00 да такроран бўлиб ўтадиган аукцион савдосига, Миробод туман суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент шаҳар «Ўзтемирқўлмаш» таъмир корхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда. 1.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.10.2006 йилдаги №1-529/2006-сонли ижро варақасига асосан, Автоскрепер «М0А3-546-П» русумли д/р 55999ЕР бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 66 030 300 сўм. 2.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 13.10.2006 йилдаги №1-529/2006-сонли ижро варақасига асосан «Жип Гранд Чероки» д/р 30R1793 бўлган, 1985 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 35 243 000 сўм. 3.ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 11.09.2006 йилдаги № 2-192-06 сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот марказида сақланаётган, «Москвич-2141» д/р 11 О 8740 бўлган, 1990 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 874 800 сўм.

Маъмур мулклар билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокчида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «Савдо ташкилотчиси» РКМБнинг ОАИБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МҒО: D1036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т. М.Урабзоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

Савдоларга марҳамат!

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЕАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига «O'RTA OSIYO TRANS SHARQ» шўба корхонаси томонидан, Тошкент шаҳри, М.Ашрафий кўчаси, 108-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

Кўшимча ярим тиркамалари билан биргаликда жамлама сифатида аукцион савдосига чиқарилаётган автотранспорт воситалари.

№	Тягач русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Тягач баҳоси (минг сўм)	Ярим тиркама русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Тиркама баҳоси (минг сўм)	Кўшимча равишдаги ярим тиркама русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Кўшимча ярим тиркама баҳоси	Жами бошланғич баҳоси (минг сўм)
1	Мерседес-Бенц 1935S	10АО111	1997й, техник носоз	11 000,0	Цельнометаллик "Когель"	10В528	1993й, техник носоз	4 500,0	Цельнометаллик "Когель"	87-32ТН*	1993й, техник носоз	4 500,0	20 000,0
2	Мерседес-Бенц 1935 S	10АО700	1997й, техник носоз	11 000,0	Цельнометаллик "Когель"	10Е201	1993й, техник носоз	4 500,0	Цельнометаллик "Когель"	10I310*	1993й, техник носоз	4 500,0	20 000,0

II. Шунингдек, Аукцион савдосига «O'RTA OSIYO TRANS CTL» шўба корхонаси томонидан корхонага қарашли, Тошкент шаҳри, Ҳ.Абдуллаев кўчаси 54-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда:

Ярим тиркама билан биргаликда жамлама сифатида аукцион савдосига чиқарилаётган автотранспорт воситалари.

№	Тягач русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Тягач баҳоси (минг сўм)	Ярим тиркама русуми	Давлат рақами	И/ч йили ва техник ҳолати	Тиркама баҳоси (минг сўм)	Бошланғич баҳоси (минг сўм)
1	Мерседес-Бенц 1838 LS	10AV681	1993й, техник носоз	10300,0	Реф.совутигич-сиз "Когель"	15D302	1993й, техник носоз	4700,0	15000,0
2	Мерседес-Бенц 1838 LS	10AV680	1993й, техник носоз	11800,0	Цельнометаллик "Когель"	10E279	1993й, техник носоз	4200,0	16000,0

Маъмур автотранспорт воситаларининг аукцион савдоси 2009 йил 11 июнь кунини соат 11:00да бўлиб ўтади. Автотранспорт воситалари 11 июнь кунини сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2009 йил 16, 23 ва 30 июнь кунлари соат 11:00да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир соат қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закатат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закатат пулини, савдо ташкилотчиси — РКМБнинг ОАИБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114. МҒО: 01036, ИНН: 200933850, Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Урабзоев кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz Лицензия: ДВ 001 №000004.

Савдоларга марҳамат!

КУТЛАЙМИЗ!
Муҳтарам Маъриф Носирович ИСМОИЛОВ!

Сизни табаррук 80 ёшга тўлганингиз билан самимий муबारакбод этиш, қувончингизга шерик бўлиш биз дўстларингиз ва қўшниларингизга алоҳида мамнуният бағишлайди. Биз Сизни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Соғлиқни сақлаш аълочиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, ташаббускор жамоатчи ва яхши мутахассис сифатида биламиз. Сизга узок, сермазун, безавол ва беармон умр кечириш насиб этишини тилаб қоламиз. Оилангиз, ёру дўстларингиз бахтига ҳамisha соғ-саломат бўлинг.

Ҳурмат билан бир гуруҳ дўстларингиз ва қўшниларингиз номидан
 Муртазо СУЛАЙМОНОВ

ТАБРИКЛАЙМИЗ!
Жажжигина, ширинтой жияним Мўминахон!

Туғилган кунинг билан чин қўнғилдан табриклайман. Онажонинг Гўзалхонинг бахтига ҳамisha соғу саломат бўл. Умринг узун, толеинг порлоқ, истиқболинг ёрқин бўлсин.

Ҳурмат билан олданинг Саодатхон.



«Яшил чироқ—2009»

МУСОБАҚА НУФУЗИ ОРТИБ БОРМОҚДА

Кун кеча шахримиздаги сўлим ва баҳаво Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида анъанавий тарзда мунтазам ўтказилиб келинаётган «Яшил чироқ — 2009» мусобақасининг шахар босқичи кўтаринкилик руҳида ташкил этилди.

Ўқувчиларнинг кўникмаларини янада ошириш, йўл ҳаракати қоидаларини яхши билиш ва ўрганишларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этиладиган ушбу танлов қанчадан-қанча ўсимир-ёшларнинг билимдон, зукко, чаққон, эңчил бўлиб вояга етишлари, эътиборлиси содир этилиши мумкин бўлган турли транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича билим ва тушунчага эга бўлишларида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шундай қилиб «Яшил чироқ» танловининг шахар босқичи ғолиблари ҳам аниқланди. Ҳар бир шарт бўйича жамоаларнинг кўрсаткичлари натижаларига кўра Чилонзор туманидаги 178- умумтаълим мактаб жамоаси мутлақ ғолиб бўлиб Республика кўригида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди, Юнусобод туманидаги 143- мактаб жамоаси эса 1- ўринни забт этиб телевидение кўрсатувида иштирок этадиган бўлди.



Шоира МУҲАМЕДОВА СУРАТЛАРДА: «Яшил чироқ — 2009» танловининг шахар босқичидан лавҳалар. Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

— Ўқувчи-ёшлар ушбу танловга нихоятда жиддий тайёргарлик кўришди. Бугун танловнинг 11 та туман босқичида ғолиб бўлган гуруҳлар ўзаро 11 та шарт бўйича беллашадилар, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шахар Халқ таълими бош бошқармаси маънавият-маърифат бўлими бош мутахассиси Дурдона Собирова. — Албатта, ахборот ва техника жадаллик билан ривожланаётган асримизда бундай танловлар ўсимир-ёшларни йўл ҳаракати қоидаларини пухта билишига ва унга амал қилишга ўргатади.

— Ғолибни аниқлаш анча қийин кечди, — дейди мусобақа ҳакамлар ҳайъати раиси, Тошкент шахар ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси жамоатчилиги ва оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими катта инспектори, майор Ойбек Отабеков. — Катнашчиларнинг барчаси ғолибликка даъвогар бўлди десам, муболага бўлмади. Уларнинг ҳар бир шартни астойдил ва ихлос билан бажаришларини кўрганда мусобақанинг йилдан-йилга нуфузи ва унга бўлган қизиқиш тобора ортиб бораётганини кўриш мумкин бўлди.

Танловлар

ЧЕКМАСДАН ЁШЛИК ГАШТИНИ СУР!

Бугунги кунда чекиш дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолар сирасига киритилмоқда. Тамаки инсониятнинг нафақат руҳий, балки жисмоний қотили ҳамдир.

31 май — Бутунжаҳон чекишга қарши кураш кунини муносабати билан саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шахар филиали томонидан мактаб ўқувчилари ўртасида «Чекмасдан ёшлик гаштини сур!» деб номланган девоний газеталар кўрик-танловининг шахар босқичи ташкил этилди.

салбий таъсир этишини таъкидлаб, келажакимиз пойдевори бўлган ёш авлодининг ушбу иллатнинг исқандарига қўлмаслиги учун барча таълим масканларида тарғибот ва таъшиқот ишларини янада кўпроқ ташкил қилиш лозимлигини қайд этишди.

— Барча таълим муассасаларида мунтазам равишда ўтказиб келинаётган девоний газеталар кўрик-тан-

ловига бўлган қизиқишнинг нисбатан ортганини ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бундай танловлар ўқувчиларни эркин фикрлашга, чекишнинг салбий иллат эканлигини тушуниб етишга имкон яратди. Чекишга қарши курашишга тайёр эканликларини эса уларнинг тайёрлаган девоний газеталарида, чизган расмларида кўра-миз, — дейди Саломатлик ва тиббий статистика институти Тошкент шахар филиали директори Эльвира Маракеева.

Танловнинг шахар босқичида ҳар бир туман мактабларидан ғолиб деб топилган энг иқтидорли

ўқувчи-ёшлар ўз ижодий ишлари намуналари билан қатнашдилар.

Якуний натижаларга кўра, энг юқори балл олган ўқувчилар ғолиб деб топилди. Биринчи ўрин — Чилонзор туманидаги 195-мактаб ўқувчиси Абдор Амануллоев, 2-ўрин — Миробод туманидаги 83-мактаб ўқувчиси Диана Чамнаева ҳамда 3-ўрин соҳибни Ҳамза туманидаги 30-мактаб ўқувчиси Зухра Абдуллаева деб топилди.

Ғолиблар тadbир ташкилотчиларининг Фахрий ёрликлари ва эсдалик соғвалари билан тақдирланди.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

Мамлакат XVIII миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасидаги 11-тур беллашувлари ўз майдонида тўп сурган командалар учун муҳим очколарни тухфа этди.

Футбол

МУРОСА ЙЎЛИНИ ТАНЛАШДИ

Аммо жорий йилги мавсумни совриндор сифатида яқунлашни ният қилган пойтахтимизнинг «Локомотив» жамоаси Жиззахда «Сўғдиёна» билан кечган учрашувда 0:0 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этди ва ўз ҳисобига яна бир очко ёзиб қўйди.

Ушбу турдаги «Бунёдкор» — «Пахтакор» ҳамда «Нефтчи» — «Насаф» учрашувлари маълум сабабларга кўра бошқа кунга қолдирилди.

Қолган беллашувлар қуйидагича яқунланди: «Динамо» — «Металлург» — 5:3, «Кизилқум» — «Навбахор» — 1:0, «Машъал» — «Андижон» — 2:0, «Хоразм» — «Бухоро» — 1:0, «Олмалик» — «Шўртан» — 3:2.

Мамлакат XVIII миллий чемпионатининг 12-тур баҳслари 30, 31 май кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

ТАЛАБАЛАР ЎРТАСИДА ФАН ОЛИМПИАДАСИ

Тошкент Давлат юридик институтида ҳуқуқшунослик фанидан Республика фан олимпиадасининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

Ҳуқуқшунослик фанидан ўтказилган олимпиаданинг биринчи босқичида республикадаги барча олий ўқув юр்தларининг талабалари фаол иштирок этди. Уларнинг энг иқтидорлиларига олимпиаданинг якуний босқичида ўзаро беллашди. Таъкидлаш жоизки, бундай синов ва беллашувлар талабалар дунёқарашининг кенгайиши, ҳуқуқий билим савиясининг ўсиши, энг муҳими маънавий дунёсининг бойишига хизмат қилади.

Танлов шартларига мувофиқ, талабалар тест синовларига жавоб беришди ва эркин мавзуда ёзма иш ёзишди. Бундан ташқари, «Мустақиллик менинг тақдиримда», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?» мавзуларидаги реферат ишлари ҳакамлар ҳайъатида тақдим этилди.

Ҳакамлар ҳайъати талабалар билимларини адолатли баҳолаб, улар орасидан билимли, интеллектуал салоҳиятга эга, қолаверса танлов шартларини аъло даражада бажарган энг иқтидорли иштирокчиларни аниқлади.

Тошкент Давлат юридик институти талабаси Баҳром Илҳомжонов биринчи ўринга муносиб деб топилди.

Сурайё МЕЛИКУЛОВА, «Туркистон-пресс»



тури-қишлоқчи, 78 тури эса учиб ўтувчилардир.

Шаҳримизда қорашақш, жиголтой, тошқирғий, қамшиш машаги (сув товуғи), зағилдоқ, кўктарғоқ каби қўшлар кўпчиликни ташкил этади. Улар ўзига хос экологик мувозанатни ҳам белгилаб беради. Масалан, жиголтой ва тошқирғийнинг шахар хиёбонларида, истироҳат боғларида учраши ушбу масканлар осойишталигини, кўктарғоқнинг сув ҳавзаларида сузиши ўша жойнинг суви тозаллигини, зағилдоқ билан қорашақш дарахт ва буталарнинг ҳолати қониқарли эканлигини, сув ҳавзаларида қамиш машагининг учраши соҳилдаги қамишлар нормал ўсаётганини аниқлатади.

Кейинги йилларда шаҳримизда лайлақлар ин қура бошлагани пойтахт экологияси яхшиланаётганидан далолат беради. Тошкент ва унинг атрофида ҳозир 200 га яқин лайлақ уялари мавжуд. Мазлумки, бу қўшлар тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик тинимлидир. Шунингдек, қаштанзорлар, игнабаргли дарахтзорлар кўпайиши олма-хонлар кенг тарқалишига қулайлик яратди.

Эргаш ИБРОҲИМОВ

ЯШИЛ ДЎСТЛАР, ХУШҲОЛ ҚУШЛАР ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗГА ҲАМҚОРУ ҲАМНАФАСДИР

Шаҳримизни обод қилишда, чиройига чирой қўшишда кўкаламзорлаштиришнинг роли бекиёс. Ҳар гал фасллар келинчаги юртимизга ташриф буюрганда табиатта, довдарахтларга меҳримиз ўзгача товланади: кўчат экиб, боғ яратамиз, ҳашар уюштириб, маҳалла ва кўчаларни обод қиламиз. Мазлумотларга кўра, ҳар йили пойтахтимизда 100 минг тупдан зиёд дарахт кўчатлари, 2,5 миллиондан ортиқ буталар ўтқазилади.

Яшилликка интилишимиз беҳиз эмас. Зеро, инсон наботот ва ҳайвонот дунёси билан бир бутундир. Ям-яшил дарахтлар теваракка кўрку тароват бағишлайди, айна пайтада турар жой ва санаот ҳудудларида атроф-муҳитни, ҳавонини тўтин, газ, чанг, қурум каби зарарли чинқиндилардан тозалайди. Бундан ташқари, жазирамада соя-салқин бағишлаб, изғиринда совуқ шамолин қайтариб, ҳароратни бирмунча мўътадил қилади. Йўл чети ва бино олдидаги қалин дарахт қаторлари кўча шовқинини 20-25 децибалгача қамайтиради.

—Қаштан, жўжа, қизил эман, пирамида-симон эман, заранг, ўткир баргли заранг, рябина, граб, игнабарглилар шахарга мос, чидамли, узоқ умр кўрувчи, манзарали дарахтлардир, — дейди кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Абдухалил Каюмов. —Терак, қайин, тол, мажнунтол, япон сафораси, гледичия, оқ ақация, бундук, айланг, яшил шумтол, чинор эса тез ўсувчанлиги билан ажралиб туради. Улкамиз иклими иссиқ, шунинг учун соя-салқин берувчи, япроқ баргли, баланд бўйли манзарали дарахтларни ҳам кўпроқ эккан маъқул.

Шу ўринда пойтахтимизнинг наботот ду-

нёси, яъни яшил дўстларимиз ҳақида бироз фикр юритсак. Шаҳримизда ҳозир кўкаламзор ерларнинг аҳоли қандай? Ҳар бир хамшаҳримизга қанча яшил майдон тўғри келади? Бундай ерлар жами 15,2 минг га-ни ёки шахар ҳудудининг 30 %ини ташкил этади. Ҳар бир киши учун 50 кв.м. кўкаламзор жой меъёр ҳисобланади. Айна вақтда шаҳримизда киши бошига тўғри келадиган яшил майдон меъёрий натижадан 19 кв.м. ортиқ, яъни 69 кв.м.га тенг. Агар ушбу кўрсаткични 1990 йилга нисбатан солиштирсак, мустақиллик йилларида бу соҳада қилган ишларимиз янада аққолроқ аён бўлади. Ана шу даврда ҳар бир хамшаҳримиз ҳисобига тўғри келувчи яшил майдон уч баравардан ҳам зиёд, яъни деярли 21,5 кв.м.га ортган.

Шуниси қувонарлики, Тошкентимизни кўкаламзорлаштириш даражаси дунёнинг кўпгина шахар ва пойтахтлари кўрсаткичига қараганда анча юқоридир. Мисол учун, бугунги кунда пойтахтимиз Санкт-Петербург, Сиэтл, Пекин, Москва сингари йирик шаҳарлардан кўра 2-3 баравар кўркам-роқдир.

Умуман олганда, ҳозир пойтахтимиз ҳудудига 5 миллион тупдан ошқ дарахт-

лар мавжуд. Агар турлар бўйича олиб қарайдиган бўлсак, дарахтларнинг 190 дан зиёд, буталарнинг 30 дан ортиқ хили ўсади. Қарағай, арча, эман, туя, қайрағоч, қаштан, жўжа, шарқ чинори, қайин, лола дарахти, йирик гулли магнолия, шумтол, япон сафораси, самшит шахар гўшаларида энг кўп учрайди. Шунинг ҳам таъкидлаш кераклики, Тошкент ҳудудидидаги ўсимликларнинг ноёб ва қамбё ҳисобланган 28 тури Ўзбекистон «Кизил китоби»га киритилган бўлиб, давлат муҳофазасига олинган.

Пойтахтимиз туманларида кўкаламзорлаштиришнинг умумий аҳолининг тахлил қиладиган бўлса, (жорий йилнинг январь ойи ҳолатида) Учтепа, Чилонзор, Шайхонтоҳур туманлари ўрнатилган аёналарда, Тошкент туманларида киши ҳисобига 72,5-108,6 кв.м. яшил майдон тўғри келади.

Энди шаҳримизнинг ҳайвонот олами ҳақида икки оғиз сўз. Пойтахт ҳудудига 270 турга яқин умуртқали ҳайвонлар мавжуд. Шу жумладан, балиқларнинг 15, суд-ралувчиларнинг 12, қўшларнинг 217 тури учратиш мумкин. Қанотли дўстларимиз қуйидаги мавсумий тоифаларга бўлинади: 11 тури —ўтрок, 39 тури—ин кўрувчи, 89



Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзил: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563 ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шахар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3752 нусхада босилади. Қўғоз бичими А-2

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилди ва сақланган. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқхонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 156